ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТОПОНИМЛАРИ ЭТИМОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

А. ОТАХЎЖАЕВ

В данной статье представлены существующие мнения относительно этимологии топонимов Ферганской долины. На основе материалов источников с точки зрения исторической лингвистики проанализирована этимология таких топонимов как Сырдарья, Фергана, Ахсикент, Кува, Андижан, Наманган и Пап.

The article discusses the toponimy of the place names of the Ferana valley paying more attention to the origin of the such place names of 'Sirdrya, Fergana, Ahsikent, Quva, Andijan, Namangan and Pop'.

Ўрта Осиёдаги ҳар бир тарихий-маданий ҳудуд ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга мазкур ҳудудлар ўзларининг кўп асрлик тарихий тараққиётида бевосита ва билвосита қўшни тарихий-маданий ўлкалар билан ҳам қалин муносабатларга киришиб, яхлит цивилизацияни ташкил қилган. Жумладан, шимолда Тяньшан ва жанубда Хисор-Олой тоғ тизмалари билан ўралган водий – Фарғона тарихий-маданий ҳудуди Ўрта Осиёни шимолий-шарқ ва шарқ билан боғловчи муҳим стратегик ўрни ва савдо йўллари ўтадиган йўналишлардаги жойлашуви билан минтақада кечган кўп асрлик сиёсий, иқтисодий ва этномаданий жараёнларнинг барчасида иштирок этган.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар археологик [1,2,3] ва ёзма манбалар асосидаги тадқиқотлар Фарғона водийси ҳақида бой материалар бермоқда. Хусусан, энг қадимий ёзма манбалардан бири "Авесто"да Фарғона ҳақида билвосита маълумот борлигини кузатамиз. Гарчи зардуштийларнинг муқаддас китобида тўғридан-тўғри Фарғона атамаси тилга олинмаган бўлса-да, манбадаги айрим маълумотлар у ҳақда муайян манзарани кўз олдимизда намоён қилади. Масалан, "Авесто"да келтирилган Рахна дарёсини М.Исҳоқов **Сирдарё** билан айнанлаштиради. Маълумки, Сирдарё ўз бошланишини Фарғона водийсидаги ирмоқлардан олади. "Авесто"нинг Яшт китоби Митра алқови (10-яшт: Меҳр Яшт)нинг XXIV бобидаги 104-қўшиғида:

"Шарқда қаллоб ушланар,
Ғарбда у ҳалок бўлар.
Рахна бошида бўлсин
Хоҳ бўлсин ер қаърида" [4.63]

жумлаларида Рахнанинг боши Шарқда эканлигига ишора бор. "Авесто"даги бу географик тушунча айнан Сирдарёнинг бошланишига мос келади. 19-яшт: Замйад – Ер – Она заминга бағишланган алқов – Хварна ҳисобланади. Унда Ер маъбуди Зам деб аталиб, алқовнинг биринчи 9 бандида географик-орологик манзара акс этган.

Ушида, Ушидарна,
Тоғларидир устивор.
Уларнинг орқасида,
Яширинган Эрзифйа

сатрларидаги тафсилотлар Ўрта Осиё тоғлар, тоғ тизмалари ва чўққиларига мувофиқ келади. Шу тоғлар орасида Тангритоғ (Тяньшан)нинг бир қисми Мануша, яъни Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги **Одамтоғ** тилга олинади. Яштни таржима қилган М.Исҳоқов талқинига кўра, "авесточа Мануша – "Одам"; Ушада – Ўш (ота) бўлиб, бу тоғ зардуштийлик тарқалган ўлкаларнинг шарқида жойлашгани учун шундай ном олган бўлса керак. Авесто тилида Ушида – "тонг отар" тоғ демакдир. Балки бу минтақада зардуштийлик тарқалган энг шарқий ҳудудга ишора бўлиб, Ушида шу сабабли "тонг отар", яъни "энг шарқдаги тоғ", деб тушунилган [4.107-110].

Шу ўринда "Авесто"га мурожаат қилиб, **Фарғона** атамаси ҳақида биринчи фаразни келтирсак: унга кўра, "Фарғона" – авесточа "фар" - "бахт" сўзидан "фарахана" – "бахтли одамлар юрти", деб талқин қилиниши ҳам мумкин.

Антик давр муаллифлари ҳам "Авесто"даги каби Фарғона ҳақида айрим билвосита маълумотларни беради. Маълумотларнинг "билвосита" дейилишига сабаб, бизда Александр Македонский қўшинларининг Фарғона водийси ҳудудига кириб боргани ва унинг тарихчилари водий ҳаёти билан таниш бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Фақат антик давр муаллифлари Фарғонага қўшни ҳудудларни тавсифлашда Сирдарё ва унинг юқори оқими борасида айрим фикрларни ўртага ташлаганлар. Улар орасида энг қадимги маълумот Арастунинг "Метеорология" ва Эратосфеннинг "География" асарларида учрайди. Бу асарлардан фойдаланган Страбон: "Яксарт суғдийлар ва кўчманчиларни ажратиб туради" (Страбон, XI, 11, 2); Яксарт бошидан охир қадар Окс (Амударё)дан фарқ қилади ва ўша денгиз (Орол)га қуяди. Бу икки дарё ирмоқлари, Патрокл айтишича, бир-биридан тахминан 80

парасанг масофада жойлашган. Форсларнинг парасанги 60, баъзан 30 ёки 40 стадий деб аниқланади" (Страбон, XI, 11, 5); "Кир томонидан асос солинган чет шаҳарлардан бири (Кирапол) Яксарт бўйидадир, ўша ерда Форс подшолиги чегараси бўлган" (Страбон, XI, 11, 4) [5.26], деб ёзади. Умуман, Фарғона водийси шарқий тоғ ёнбағирларидан Сирдарёнинг этимологияси ҳам хилма-хил бўлиб, "Авесто"да Дану; юнон манбаларида Яхартес – Яксарт, Танаис, Силис, Сир; хитой манбаларида Яоша; "Ҳудуд ул-олам"да Хашарт ва Берунийда Хасарт, қадимги туркийда Енчўгиз, Фирдавсий ва Қазвинийда Гулзарриюн шаклларида, бундан ташқари бошқа ўринларда Сайҳун, Оби Фарғона, Ўзган дарёси, Оби Хўжанд каби номлари ҳам учрайди [6].

Маълумки, мил. авв. VI асрда Аҳамонийлар подшоси Кир асос солган Киропол шаҳри Суғд ва Усрушонадан Фарғона водийсига кираверишда жойлашган. Унинг ўрнига ёки ёнига Александрия Эсхата – Узоқдаги Александрия шаҳарини қурган Александр Македонский ҳам Фарғона водийсига кириб бормаган. Бу шаҳар-қалъалар форс ва юнонларни кўчманчи саклар ҳужумидан мудофаа қилиш учун бунёд этилган [5.27]. Арриан бу ҳақда: "...(Александр Македонский) шу Танаис дарёси бўйига шаҳар қуришга қарор қилди. Шаҳар мамлакат учун дарёнинг нариги бетидаги ҳужум қилиб турувчи варварлардан тўсиқ бўлади", деб ёзган эди. Шу каби Квинт Курсий Руф берган маълумот: "...(Бесс) ёнига хоразмликлар ва даҳлар, саклар ва ҳиндлар ҳамда Танаис нариги бетидаги скифлар келди", (Квинт Курсий Руф, VII, 4, 6) [5.27] дейилишида, у Сирдарё ортидаги Чоч ва Фарғонада яшаган сак-скиф қабилаларини назарда тутганлиги, шубҳасиз. Аммо юнон манбалари ҳам айнан Фарғона атамасини қўлламаганлар, бу эса атаманинг қачондан бошлаб истифода этилганлиги масаласини очиқ қолдиради.

Умуман олганда, Сирдарё ва унинг ортида яшовчи халқлар ҳақида антик давр муаллифлари берган маълумотларда, А. Мандельштам фикрича, Жанубий Фарғона ҳам назарда тутилган [8]. Чунки бу ерлар антик давр муаллифларига яхши таниш бўлган Суғдга қўшни ва жанговар сак қабиларининг ҳудудлари эди.

Қадимги ва илк ўрта асрлар давридаги Фарғона водийси ҳақида энг кўп маълумотлар хитой манбалари "Шижи" – "Тарихий хотиралар" ва "Хан шу" – "Хан сулоласининг тарихи", хусусан, "Шижи"нинг "У-ди подшоси тазкираси", "Фарғона тазкираси", "Хунлар тазкираси", "Хан шу"нинг "У-ди подшонинг таржимаи ҳоли" бобларида учрайди. Жумладан, уларга кўра, мил.авв. II асрда Даван ёки Дайюанда юксак деҳқончилик маданияти мавжуд бўлиб, 60 минг оила истиқомат қилган. Дайюан атамаси, хитойшунослар А.Хўжаев ва А.Абдурасул ўғли фикрича, суғдий "Пар-ғана" – "катта бўстонлик" маъносига мос келади [9]. Бундан ташқари, Ш.С.Камолиддин Даван атамасини А.Абдулҳамидов бўйича уйғур тилидаги "даван" – "катта дарё водийси" [10.84] мазмунида изоҳлаган.

Фарғона атамасининг илк ўрта асрларга оид суғдий манбаларда акс этиши асосида тадқиқотчилар атамани суғдий βrγ'nk – "Парғана" шаклини санскритча "кичик вилоят", қадимий форсча "тоғ оралиғидаги водий, атрофлари берк сойлик" маъноси билан талқин этадилар [11]. Бизнингча, Фарғона атамасининг илк ўрта аср суғдий манбаларда учрашининг ўзи катта аҳамият касб этади. Жумладан, VIII аср бошларидаги тарихий воқеаларни ўзида мужассам этган Муғ архиви ҳужжатларидан бири А-14 – Панч вилояти ҳокими Девештичнинг Чочга юборилган элчиси Фатуфарннинг мактубида Фарғона подшоси – βrγ'nk MLK' ибораси учраса [12.84], архивининг В-17 рақамли ҳужжатида "Фарғона подшосидан апвах руч (куни)да Ғўнакка (Суғд подшоси Ғўрак эканлиги тахмин қиланади – А.О) ҳарбий бошлиқ келди" [12.121] дейилади. Бу маълумотлар "Фарғона" атамасининг илк ўрта асрлардан муомалада бўлганлигини исботлайди.

Фарғона атамаси билан боғлиқ яна бир маълумотни Беруний ўзининг "Қонуни Масъудий" асаридаги "Эронликларнинг мажусийликдаги байрам кунлари" бобида келтириб: "Ориш (ўқ отиш)нинг Манучеҳр билан Афросиёб орасида сулҳ қилиш учун ўқ отиши ҳам шу кунга (байрам кунига) тўғри келган. Бу сулҳга кўра ўқ бориб етган жой Манучеҳрники бўлар эмиш. Айтишларича, у Руён тоғидан отган, узоққа отилган шу ўқ Фарғона ва Табаристон орасига тушган" [13.209], деб ёзади. Демак, бу ўринда Табаристон (Эроннинг Каспий денгизидан шарқий-жанубидаги вилоят)дан Фарғонагача бўлган ҳудудлар битта мамлакат сифатида талқин этилмоқда. Бу эса мазкур минтақанинг, биринчидан, зардуштийлик тарқалган юртлардан бўлганлигини, иккинчидан, Туронга тааллуқли эканлигини исботлайди. Бундан ташқари, Беруний ўз асаридаги шаҳарларнинг узунлик ва кенгликдаги жойлашувини акс эттирган жадвалида Фарғона мамлакатининг маркази Ахсикат, Чотқол вилояти, Қубо ва Хикат ҳақида маълумотлар беради [13.427]. Бу маълумотларга кўра, Беруний яшаган X асрда Фарғонанинг пойтахти Ахсикент бўлиб, Қува ва Хикат (Қўқон ?) йирик шаҳарлари ҳисобланган. Фикримизни X аср араб географи Абул-қосим ибн Ҳавқалнинг Фарғона ҳақидаги маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Унга кўра: "Фарғона – бой шаҳар ва қишлоқлардан иборат, бепоён вилоят номидаги ўлка. Унинг пойтахти Ахсикет. Бу шаҳар Шош дарёси (Сирдарё) бўйидаги текисликда (жойлашган). ... Ахсикетдан кейин катталиги бўйича Кубо (Қува) келади. ... Қубодан кейин каттали-ги бўйича Ўш келади. ... у ерда туркларнинг кузатув маскани бор. ... Ўзганд Фарғонанинг ғайридинлар билан чегарадош сўнгги шаҳри. Ўзганд турк ерлари остонасидаги савдо маркази"

дейилади. Сўнг муаллиф Фарғона деҳпораларини (Юқори Нисъя, Қуйи Нисъя, Асбара (Исфара), Некад (Навкат), Миён Руд, Жигил, Урест, Бискент ва Салотлар киради. Юқори Нисъяда: Ванкет, Саж (Сўх), Хуваканд (Қўқон) ва Риштон; Қуйи Нисъяда: Марғинон, Зандарамин, Беренг, Уштикан ва Андукон (Андижон)") санаб ўтади [14]. Бу маълумотлар Фарғона водийси ва унинг X асрларгача мавжуд бўлган асосий шаҳарлари ҳақида тасаввур беради.

Юқоридаги "Авесто", хитой, суғдий ва мусулмон манбалари орқали ҳали ҳануз Фарғона водийси ва унинг шаҳарлари топонимиясининг этимологияси буткул ўз ечимини топмаганини кузатишимиз мумкин. Бу эса келгуси тадқиқотлар объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фарғона атамасини шарҳлаганимиз боис, дастлаб унинг пойтахти **Ахсикент** ҳақида тўхтаб ўтамиз. Кўплаб тадқиқотчилар бу атаманинг – кент қисми шарқий эроний (суғдий, хоразмий) тиллардаги knδ – кент / канд – шаҳар ёки қалъа маъносига шубҳа билдирмаган ҳолда, Ахси- атамасига турлича талқинларни баён этишган. Жумладан, суғдий топонимия бўйича мутахассис П.Б.Лурье суғдий ҳужжатлар, жумладан, Муғ архивининг Б-1, Б-2, Б-10 ҳужжатларидаги 'γsyknδh номли Зарафшон юқори оқимидаги қишлоқ атамасига қиёсан, Ахсини 'xsyknδh, xsyknδh, 'xsyktc – Хшикат – Яшил шаҳар ёки xšyn – Мустаҳкамланган шаҳар, деб талқин қилади [15.90,95]. Бошқа бир тадқиқотчи Ш.С.Камолиддин фикрича, Ахсикат ёки Ахшикат – туркий "Оқ шаҳар" маъносини беради [10.84]. Бизнингча, Ахсикентдаги "ихшид" - 'γšyδ (подшо) ва кент – knδ (шаҳар), Ихшидкент вариантига эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки Ўрта Осиёда бундай топонимлар ясаш одатий ҳол ҳисобланади.

Аммо П.Б. Лурье талқин қилган айрим Фарғона водийсига оид топонимлар лингвистик жиҳатдан ўз мазмунини топган. Жумладан, **Қўқон** топоними, Ибрат томонидан "хук канд" – "тўнғиз ковлаган" [16.285] жой маъносида келтирилган бўлса, В.В.Бартольд халқ этимологиясидан келиб чиқиб, хук+канд – "тўнғиз шаҳри" [17], деб таъриф берган. Ш.С.Камолиддин бу топонимнинг Ҳ.Бобобеков томонидан илгари сурилган туркий "хур" ва суғдий "канд", яъни "тепаликдаги шаҳар" [10.85] этимологиясига тўхтаб ўтган. Уни баъзилар Ҳавоканд – гўзал, ёқимли шаҳар [18] деб ҳам талқин қилишади. Ваҳоланки, Қўқон этимологияси П.Б.Лурье томонидан таклиф этилган суғдий хва+канд (xw''k(kr) – "савдо(гар) ва knδ – "шаҳри" [15.103] мазмунига яқин. Чунки бу шаҳар Суғд, Чоч ва Уструшона вилоятларидан Фарғона водийсига киришдаги стратегик муҳим жойга ўрнашган. Биз ҳам бу борада тадқиқотчи П.Б.Лурьедан бироз аввалроқ шу каби талқинни илгари сурган эдик. Шу боис П.Б.Лурьенинг изоҳи эътирозимиз йўқ.

Фарғона водийсининг тарихий шаҳарларидан бири **Қува** бўлиб, у манбаларда кўп бор тилга олинади. Ибрат шаҳар этимологиясини Қубод, яъни Анушервоннинг ўғли Кубодга боғлаб, талқин этилишини эслатади [16..278-279]. Ш.С.Камолиддин уни туркий Куба [10.85] деб атаса-да, аммо изоҳламайди. П.Б.Лурье эса атама этимологиясига туркий quba – оч қўнғир (от) мазмунини фараз сифатида келтиради [15.192]. Бизнингча, Кубо (Қува) – куба (kübä) атамаси қадимги туркийда "металл кийим, совут" [19] маъносида бўлиб, эҳтимол бу шаҳарга соҳа ҳунармандлари асос солган бўлиши мумкин. Ҳатто шаҳар хитой манбалардаги Хуминга тенглаштирилади. Бу атама изоҳини Ш.С.Камолиддинда туркий "кўмир"га таққослаган [10.84]. Аммо Хумин атаманинг хитойча талаффуз варианти эканлиги эсдан чиқармаслик керак.

Фарғона водийсининг йирик шаҳарларидан бири **Андижон** ҳам турлича этимологик талқин этилади. Масалан, Андижоннинг номланиши халқ этимологияси ва айрим олимларнинг фикрича "анди", "адоқ" ("азоқ") уруғ номи ва "анди (ҳинд)лар яшаган жой" деб талқин қилинади [20]. X-XIII аср манбаларида эса Андукон шаклида учрайди [21]. Ш.С.Камолиддин бу атамага А.Муҳаммаджоновга суянган ҳолда туркий "анди" ва суғдий "кан", яъни "дарё бўйидаги шаҳар" ёки А.Турғунов бўйича туркий "анди" ва қадимги эроний "жон (руҳ)" маъносини келтиради [10.87]. Бу топоним П.Б.Лурье томонидан суғдий Anūdkaδ – "таянч шаҳар" ("ҳукмдор шаҳри") (суғдий 'nwth – таянч) каби талқин этилган [15.43]. Бу талқин мазмун жиҳатдан бир қадар ўзини оқлайди ва Андижоннинг азалдан водийдаги йирик таянч пункт ва Темурийлар даврига келиб, аввал Умаршайхнинг, сўнг Бобур Мирзонинг қароргоҳи бўлганлиги билан изоҳланса ҳам, ажаб эмас.

Фарғона водийсининг йирик шаҳри **Наманган** этимологияси кўпроқ, ҳаммага маълум бўлган "намак кон" - "туз кони" билан боғланади [22]. Ваҳоланки, бу атрофда туз конлари йўқлиги эътиборга олинмайди. Тадқиқотчилар унга изоҳ беришда ҳали бир қарорга келишган эмас. Бизнингча, Наманган Ахсикент вайрон бўлгач, бунёд этилган нисбатан ёш шаҳар. Шу боис бу топонимни изоҳлашга қўл келади. Наманган суғдий ёки қадимги фарғоналикларнинг унутилган шарқий эроний тилида nām+an+kan(δ), яъни "номдорлар шаҳри" деб изоҳ-ланиши мумкин, чунки янги шаҳарга Ахсининг юқори табақа вакиллари асос солган бўлса, бу ша-ҳарга ҳам вайрон бўлган пойтахтнинг бадавлат аҳолиси дастлаб кўчиб ўтган кўринади. Буни Наманган аҳли-

нинг савдо ва ҳунармандчиликка мойиллигида ҳам кузатса бўлади.

Марғилон ёки Марғинон (Marγēnān) этимологияси бугунги кунда ўз изоҳини топган бўлиб, суғдий ёки шарқий эроний тилларга хос - mrγ ва ан < -*aina топонимлар учун қўшимча ясовчи сифат қўшимчаси орқали ифодаланиб, “майсазор, ўтлоқзор” маъносини беради.

Бундан ташқари П.Б.Лурье тадқиқотида **Поп** (Pāp, Bāb)га қадимги эроний *upa-ār – “сувдан ўтиш – кечув” маъноси келтирилади [15.45]. Бу изоҳ ҳам Сирдарёдаги кечув яқинида жойлашган манзил учун ўзини оқлайди. Баъзида араб манбалари (ибн Ҳурдодбеҳ, Истаҳрий, “Ҳудуд ул-олам”) асосида уни “Боб” ёки “Поб” – “Дарвоза” [23] деб ҳам талқин қилишади. Яна бир топоним Ғалча бўлиб, бу атаманинг келиб чиқишини ҳам шарқий эроний тиллар асосида изоҳласак бўлади, ғалча – γ’rc’k , яъни шарқий эроний тилда ғār – “тоғ” маъносида келади. Ғалча – “тоғлик”лар кўчиб келган манзилгоҳ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айганда, Фарғона водийси ва унинг ўнлаб шаҳарлари ёзма манбалардан катта ўрин олган. Мазкур шаҳарларнинг тарихий аҳамияти уларнинг ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихидаги ўрни ва минтақа урбанизацион жараёнларига қўшган ҳиссаси билан белгиланиб бормоқда. Олимлар археологик тадқиқотлар ва манбалардаги маълумотларни қиёслаб янги қарашларни илгари сурмоқдалар. Шулар қаторида шаҳарларнинг топонимияси ва этимологик талқини масаласи ҳам бизга кўплаб маълумотлар беради. Бу соҳада тарихий тилшунослик нуқтаи назаридан ҳали қилинадиган ишлар кўп. Бунда Фарғона водийсининг ўзига хослиги ва қўшни ҳудудлар билан узвий алоқасининг эътиборга олиниши муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // Материалы и исследования по археологии СССР. Вып. 118. – М.– Л.– 1962. – 328 с

2. Анарбоев А.А., Максудов Ф.А. Археологические исследования на городище эски Ахси (Ахсикент) в 2001. – Т., 2002. – С. 27-33

3. Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековье. – Т.: Tafakkur, 2009. – 176 с.

4. Авесто: Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 63.

5. Горбунова Н.Г. Фергана по сведениям античных авторов / История и культура народов Средней Азии. – М.: Наука, 1976. – С. 26.

6. Сирдарё // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 7. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. –Б.640.

7. История государственности Узбекистана: В 3-х т./ Авт.: Э.В. Ртвеладзе, Д.А., Алимова и др.; отв. ред. Э.В. Ртвеладзе, Д.А., Алимова Э.В. – Т.: Узбекистан, 2009. – С.134-135.

8. Мандельштам А. М. Материалы к историко-географическому обзору Памира и памирских областей с древнейших времен до X в.н.э. // Труды института истории, археологии и этнографии АН Тадж. ССР, том 53. – Душанбе, 1957. – С. 37.

9. Абдухолиқ Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан. – Т.: Фан, 2002.– Б.4.

10. Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Т.: Шарқ, 2006. – С.84.

11. Фарғона // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2005. – Б. 192.

12. Согдийский документы с горы Муг. Вып. II: юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – М.: Наука, 1962. – С. 84.(далее СДГМ II)

13. Беруний, Абу Райҳон. Қонуни Масъудий. V жилд, 1-китоб. – Т.: Фан, 1973. – Б. 209.

14. Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абул-л-Касыма ибн-Хаукаля // Тр. САГУ, вып. CXI. – Т.,1957. – С. 25-27.

15. Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топономии.// Дис. кан. фил. наук.– СПб., 2004

16. Ибрат, Исҳоқхон Жунайдуллохожа ўғли. Фарғона тарихи. – Б.285.

17. Бартольд В.В. Коканд. Статьи из “Энциклопедии ислама”. Том. III. Работы по исторической географии. – М.: Наука, 1965. – С. 462.

18. Жўрабоев О. Қўқон // ЎзМЭ 11. – Тошкент, 2005. – Б. 205-207.

19. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – С. 322.

20. Зияев Б. Андижон // Ўз МЭ. – Т., 2000. – 323-325.

21. Бартольд В.В. Андижан. Статьи из “Энциклопедии ислама”. Том. III. – С. 326.

22. Ҳайдаров М. Наманган // Ўз МЭ . – Т., 2003. – Б.249-250.

23. Поп // Ўз МЭ 7. – Т.,2004. – Б. 144.

ЎзР ФА Тарих институти,
2011 йил 9 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. Қ.Ражабов)